


# ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ БИЛИБ ОЛИНГ

Америка Қўшма Штатларида ишлар  
экансиз, маълум ҳуқуқларга эга эканингни  
ёдда тутинг

1-888-373-7888 Одам савдоси бўйича  
миллий ишонч телефони (Америка Қўшма  
Штатлари ҳудудида)

233733 РАҚАМИГА “HELP” (ЁРДАМ) СЎЗИНИ ЁЗИБ ЮБОРИНГ (АМЕРИКА ҚЎШМА  
ШТАТЛАРИ ҲУДУДИДА) ЁКИ [HELP@HUMANTRAFFICKINGHOTLINE.ORG](mailto:HELP@HUMANTRAFFICKINGHOTLINE.ORG)  
ЭЛЕКТРОН ПОЧТАСИГА ХАТ ЙЎЛЛАНГ



# ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ БИЛИБ ОЛИНГ

АҚШда экансиз, куйидаги ҳуқуқларга эгасиз:

- Адолатли ҳақ олиш
- Соғлом ва хавфсиз иш жойида меҳнат қилиш
- Қасаба уюшмалари, иммигрантлар ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлардан ёрдам сўраш
- Хавфли бўлган ишни тарк этиш
- Камситилиш, таҳқирланиш ва эксплуатация қилинишдан холи бўлиш

Ушбу ҳуқуқлар ҳақида батафсил маълумот олиш учун [MigrantWorker.gov](http://MigrantWorker.gov) сайтига ташриф буюринг

**ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ БУЗИЛГАН ҲОЛАТДА ОДАМ САВДОСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ (АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ҲУДУДИДА) 1-888-373-7888 ГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ, 233733 РАҚАМИГА "HELP" (ЁРДАМ) СЎЗИНИ ЁЗИБ ЮБОРИНГ (АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ҲУДУДИДА) ЁКИ**

**[HELP@HUMANTRAFFICKINGHOTLINE.ORG](mailto:HELP@HUMANTRAFFICKINGHOTLINE.ORG) ЭЛЕКТРОН ПОЧТАСИГА ХАТ ЙЎЛЛАНГ. ИММИГРАЦИЯ МАҚОМИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ҚЎНҒИРОҚЛАР АНОНИМ, МАҲФИЙ ВА ХАВФСИЗДИР. МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР 200 ДАН ОРТИҚ ТИЛДА ЁРДАМ БЕРИШГА ШАЙ. БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ:**

**[WWW.HUMANTRAFFICKINGHOTLINE.ORG](http://WWW.HUMANTRAFFICKINGHOTLINE.ORG)**

**Америка Қўшма Штатларида бевосита хавф остида қолсангиз, маҳаллий полиция билан боғланиш учун 911 рақамига қўнғироқ қилинг.** Фавқулодда вазият, турган жойингиз ва қўнғироқ қилаётган телефон рақамингизни уларга айтинг.

Зарурат туғилганда таржимон хизмати таклиф этилади. Агар Сиз А-3, G-5, Н, J, NATO-7, TN ёки уй хизматчилари учун В-1 ноиммигрант виза учун ариза топширган бўлсангиз, ушбу рисола куйидаги ҳолатларда олишингиз лозим:

- Сизга берилган виза билан бирга (интервью бўлмаган ҳолатда) ёки
- Виза суҳбатингиз чоғида; бунда консуллик ходими виза олишингиздан аввал Сиз ушбу рисола куйидаги ҳолатда, ўқиган ва унда ёзилган маълумотларни тушунган бўлишингизни тасдиқлаши шарт.

АҚШ консуллиги ходимлари Сиз Америка Қўшма Штатларидаги ҳуқуқларингизни тушуниб олишингизга ёрдам қилишни исташади ҳамда исталган саволларингизга жавоб беришга тайёр туришади.

Шунингдек, Сиз АҚШ Меҳнат департаментининг Консуллик ҳамкорлиги дастури (СРР) орқали ҳам кўмак олишингиз мумкин. Бу дастур ёрдамида консуллингиз Сизга ёрдам бериши, тегишли ресурслар топишга кўмаклашиши ва ҳуқуқларингиз бузилган деб ишонганингиз ҳолатда шикоят ёзишингизга ёрдамлашиши мумкин. Ҳамкор давлатлар рўйхати билан мана бу саҳифада танишинг: [www.dol.gov/general/migrantworker/support](http://www.dol.gov/general/migrantworker/support)

# ИММИГРАЦИОН МАҚОМДАН ҚАТЪИ НАЗАР, СИЗНИНГ ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ БОР

Иш берувчингиз ўз ҳақ-ҳуқуқларингиздан фойдаланганингиз учун Сизни ишдан бўшатиши, Сизга ёмон муносабатда бўлиши ёки пул тўлашдан бош тортиши мумкин эмас.

## СИЗНИНГ ҚҲЙИДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ МАВЖУД:

### 1. Адолатли ҳақ олиш

- Иш берувчингиз барча қилган ишингиз учун ҳақ тўлаши шарт. Аксар иш ўрни учун иш берувчингиз Сизга камида федерал қонунда белгиланган энг кам иш ҳақини тўлаши шарт.
- Қуйидаги ҳолатларда иш берувчингиз Сизга федерал қонунда белгиланган энг кам иш ҳақидан кўпроқ пул тўлаши шарт:
  - Агар Сиз энг кам иш ҳақи юқори бўлган штат, шаҳар, округ ё худудда ишлаётган бўлсангиз
  - Агар меҳнат шартномангиз ёки виза дастурингиз шуни талаб қилса.
  - **Агар Сиз ҳафтасига 40 соатдан ортиқ ишласангиз, иш берувчингиз Сизга қўшимча иш соатлари учун одатдаги иш ҳақининг 1,5 баробарини тўлаши керак бўлади. Мисол учун, агар Сиз соатига 10 доллар ишлаб топаётган бўлсангиз, ҳар бир қўшимча соат учун 15 доллар олишингиз мумкин.**
- Агар иш берувчингиз маошингиздан пул олиб қолса, бу “ушлаб қолиш” ҳисобланади. Даромадингиз тўғрисидаги ҳисоботда (масалан, “ойлик маълумотномаси”) ҳар бир ушлаб қолиш кўрсатилмоғи керак. Ушлаб қолишлар Сиз ўзингиз танлаган нарсалар, масалан, соғлиқ суғуртаси ёки касаба уюшма йиғимлари учун бўлиши ва муайян солиқлар учун талаб қилиниши мумкин.
- Иш берувчингиз одатда маошингиздан ушлаб қолишга ҳақли эмас ёки кийим-кечак, хавфсизлик мосламалари, керакли асбоб-ускуналар, материаллар, жиҳозлар ёки ишга ёллаш билан боғлиқ харажатлар учун Сизни тўлов қилишга мажбурлай олмайди. Баъзи виза турлари учун уй-жой бепул берилиши шарт.
- Иш берувчингиз маошингиз, ишлаган соатларингиз ва бошқа ҳақ-ҳуқуқларингиз ҳақида сўраганингиз, шикоят қилганингиз ва ё маош ва иш соатлари масалалари идораси текширув бўйича ҳамкорлик қилганингиз учун Сиздан ўч олишга, таҳқирлашга, кўрқитишга ёки салбий чора кўришга ҳақли эмас.
- Соғлиқни сақлаш суғуртаси ёки касаба уюшма тўловлари каби ўз хоҳишингиз билан танлаган нарсалар учун маошингиздан тўлов ушлаб қолиниши мумкин. Айрим солиқлар учун ҳам ойликдан ушлаб қолиш талаб этилиши мумкин.

**Агар иш ҳақи ва ойлик чекингиз ҳақида саволларингиз ёки хавотирингиз бўлса, 1-866-487-9243 рақамига қўнғироқ қилинг ёки ўзингизга яқин Маош ва иш соатлари масалалари идорасига ташриф буюринг:**  
[www.dol.gov/agencies/whd/contact/local-offices](http://www.dol.gov/agencies/whd/contact/local-offices).



**МАСЛАХАТ:** Америка Қўшма Штатларида қанча вақт бўлишингизга қараб, Сиздан тиббий суғурта талаб қилиниши мумкин. Тиббий суғурта нархини пасайтириш учун молиявий ёрдам олишга ҳақли бўлишингиз ҳам мумкин.

## 2. Соғлом ва хавфсиз иш жойида ишлаш

**Хавфсиз иш жойи:** Иш берувчингиз иш жойингизни соғлом ва хавфсиз сақлаши лозим.

**Тренинг:** Иш берувчингиз Сизга ишдаги хавф-хатарлар, жароҳатлар ёки бахтсиз ҳодисалардан қандай ҳимояланиш кераклиги ва иш жойингиздаги хавфсизлик ва саломатлик қоидалари ҳақида маълумот бериши ҳамда тренинг ўтказиши лозим. Тренинг Сиз тушунадиган тилда бўлиши лозим.

**Хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган ускуналар:** Сиз қўлқоп ёки йиқилмаслик учун хавфсизлик камари ва арқон каби зарур хавфсизлик воситаларини олиш ҳуқуқига эгасиз. Иш берувчингиз Сизга улардан қандай қилиб тўғри фойдаланишни ўргатиши лозим.

**Иш билан боғлиқ жароҳат ва касалликлар ҳақида хабар бериш:** Сиз жароҳат ёки касаллик ҳақида хабар бериш, тиббий варақаларни кўриш ва иш берувчингиздан уларнинг нусхаларини олиш ҳуқуқига эгасиз.

**Хавфсизлик ва саломатлик қоидалари бузилиши бўйича шикоят юбориш:** Агар ишингизни хавфли ёки соғлиғингиз учун хатарли деб ҳисобласангиз, Сиз (ёки Сизга вакиллик қилувчи шахс) Меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш бошқармасига (OSHA) махфий шикоят билан мурожаат қилишингиз мумкин. Агар имкон бўлса, иш берувчингизга хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар ҳақида хабар бераётганингизда, ўзингиз билан бирга бошқа ходимни гувоҳ сифатида олиб келганингиз маъқул. Шунингдек, бу борада ёзма қайд қолиши учун ўз ташвишингизни матнли хабар ёки электрон почта орқали ҳам етказиб қўйинг. OSHA инспекторлари билан махфий ва алоҳида суҳбатлашингиз, иш жойидаги хавфларни аниқлаш учун ўтказилган текширув ёки синовлар натижаларини кўриб чиқишингиз мумкин.

**Қасос олишдан ҳимоя:** Сиз иш жойидаги хавф-хатарлар ҳақида бемалол гапирсангиз бўлади. Агар иш берувчингиз Сизни хавфсизлик ва саломатлик билан боғлиқ масалалар ҳақида ташвиш билдирганингиз учун жазоламоқда деб ўйласангиз, OSHAга шикоят қилиш ҳуқуқингиз бор. Агар муаммоларни кўтарганингиз учун жазолашяпти деб ўйласангиз, тахмин қилинган жазо кунидан бошлаб 30 кун ичида шикоят ёзинг. Батафсил маълумот мана бу манзилда: [www.whistleblowers.gov](http://www.whistleblowers.gov).



**МАСЛАҲАТ:** Америка Қўшма Штатларига жўнашдан олдин меҳнат муҳожирлари ташкилотлари ёки илгари АҚШда ишлаган муҳожирлардан маслаҳат сўранг. Улар Сизга АҚШда муаммо ёки саволларингиз пайдо бўлса мурожаат қилишингиз мумкин бўлган ташкилотлар ёки шахсларнинг исм-шарифлари ва телефон рақамларини тақдим этишлари мумкин.

**Ишчи ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун мана бу сайтга кириг:** [www.osha.gov/workers](http://www.osha.gov/workers)

**Тиббий ёрдам:** Зарурат туғилганда, Сиз мустақил равишда шифокор ёки ҳамширага мурожаат қилишингиз мумкин. Иш жараёнида жароҳатлансангиз ёки касал бўлиб қолсангиз, иш берувчингиз тиббий харажатларингизни ва йўқотилган иш ҳақингизнинг бир қисмини қоплаши шарт. Шифокор, поликлиника ёки шифохонадан барча тиббий ҳужжатларнинг нусхасини сўраб олинг. Кўп ҳолларда, Сиз ўзингиз ишлаётган штатда ишчилар учун компенсация олиш учун ариза беришингиз мумкин. Бу иш билан боғлиқ жароҳатлар ёки касалликлар учун тўланадиган пул маблағидир. Компенсация сўраш учун маҳаллий идорангизни куйидаги манзилдан топишингиз мумкин:

[www.dol.gov/agencies/owcp/wc](http://www.dol.gov/agencies/owcp/wc)

**Уй-жой:** Иш берувчингиз Сизни уй-жой билан таъминласа, у албатта тоза ва хавфсиз бўлиши керак. Сиз ўз турар жойингизни эркин тарк этиш ҳуқуқига эга бўлишингиз шарт.

**Ҳожатхоналар:** Ҳожатхоналар тоза ва фойдаланиш учун қулай жойда бўлиши керак. Иш берувчи Сизга зарур пайтда ҳожатхонадан фойдаланиш имкониятини бериши, шунингдек, қўлларингизни ювишингиз учун сув, совун ёки тегишли тозаловчи воситалар мавжуд бўлган ювиш жойи билан таъминлаши шарт.

**Ичимлик суви:** Сиз бепул тоза ичимлик суви олиш ҳуқуқига эгасиз.

**Жазирама:** Меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш бошқармаси (OSHA) назоратидаги иш берувчилар Сизни ҳаддан ташқари юқори ҳароратдан ҳимоя қилишлари ва иссиқлик туфайли юзага келувчи касалликнинг олдини олиш дастурига эга бўлишлари шарт. Агар Сиз пестицидлар ёки хавфли кимёвий моддалар билан ишлайдиган ёки улар атрофида фаолият юритадиган бўлсангиз, иш берувчингиз куйидагиларни қилиши шарт:

- Қўлларингизни ювиш учун совун ва сув борлигига ишонч ҳосил қилиши.
- Иш учун зарур хавфсизлик жиҳозлари (масалан, нафас олиш мосламаси ёки кўлқоплар) билан таъминлаши ва улардан тўғри фойдаланишни ўргатиши.



- Ўзингиз ишлатаётган кимёвий моддаларнинг хавфини тушуниб олишингиз учун иш жойидаги кимёвий моддалар бўйича Сизга пуллик тренинглар ўтказиши
- Пестицидлар қаерда ва қачон сепилгани ҳамда тасодифий таъсирдан сақланиш учун ҳудудга яна қачон кириш хавфсиз бўлиши ҳақида Сизга хабар бериши. Пестицидлар қўлланилаётган жойлардан узоқроқ бўлишни таъминлаши.

**Агар ишингизни хавфли деб ўйласангиз ва текширув ёки ҳақ-ҳуқуқларингиз ҳақида кўпроқ маълумот олишни истасангиз, 1-866-4-USA-DOL рақамига кўнғироқ қилинг ёки Меҳнат департаментининг веб-сайтига ([dol.gov](http://dol.gov) or [migrantworker.gov](http://migrantworker.gov)) ташриф буюринг.**

**Агар Сиз Н-2А (қишлоқ хўжалигига ёлланган) ишчи бўлсангиз ва иш жойингиз, турар жойингиз ёки транспортингизнинг хавфсизлиги ҳақида хавотир ё саволларингиз бўлса, 1-866-487-9243 рақамига кўнғироқ қилинг ёки маҳаллий Маош ва иш соатлари масалалари идорасига ташриф буюринг: [www.dol.gov/agencies/whd/contact/local-offices](http://www.dol.gov/agencies/whd/contact/local-offices).**

### **3. Касаба уюшмаси, муҳожирлар ва меҳнат ҳуқуқлари ташкилотларидан ёрдам сўранг. Кўп ҳолларда Сиз куйидаги ҳуқуқларга эгасиз:**

- Ҳамкасбларингиз билан биргаликда иш берувчингиздан яхшироқ иш ҳақи ёки меҳнат шароитларини сўраш.
- Ўз иш фаолиятингиз давомида касаба уюшмасини тузиш, унга қўшилиш ва қўллаб-қувватлаш. Бу ҳуқуқлар ҳақида батафсил маълумот олиш учун: [www.nlrb.gov](http://www.nlrb.gov) сайтига кириш
- Яхшироқ иш ҳақи ёки меҳнат шароитлари учун оммавий нутқлар, митинглар ва намойишларда қатнашиш.

### **4. Ишдан кетиш**

Агар иш берувчингиз сизга нисбатан нотўғри муносабатда бўлса ёки ўзингизни хавфсиз ҳис қилмасангиз, у ишда қолишингиз шарт эмас. **Ёрдам учун 1-888-373-7888 рақами орқали Одам савдосига қарши курашиш миллий ишонч телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.**

Агар иш берувчини тарк этсангиз, иммиграция мақомингиз ўз кучини йўқотади, лекин Сиз мақомингизни ўзгартиришингиз ёки Сизга ҳомийлик қиладиган янги иш берувчида ишлашингиз мумкин. Агар иш берувчингизни меҳнат идораси текшираётган бўлса, Сиз мамлакатдан чиқариб юборилишдан вақтинчалик ҳимояланишингиз ва вақтинчалик ишлаш рухсатномасини олишингиз мумкин. Батафсил маълумот учун: [www.dhs.gov/enforcement-labor-and-employment-laws](http://www.dhs.gov/enforcement-labor-and-employment-laws) сайтига кириш

Иммиграция мақомингиздан қатъи назар, агар ўзингизни одам савдоси қурбони деб ҳисобласангиз, ёрдам олиш учун Одам савдоси бўйича миллий ишонч телефонига 1-888-373-7888 рақами орқали ёки Меҳнат муносабатлари бўйича миллий кенгашга 1-844-762-6572 рақами орқали мурожаат қилиб, минтақавий иммиграция координатори билан гаплашишни сўрашингиз мумкин.

Ишчилар учун қўшимча манбалар ва АҚШ ҳукуматига муайян масалалар бўйича мурожаат қилиш учун қуйидаги веб-сайтларга ташриф буюринг: [MigrantWorker.gov](http://MigrantWorker.gov)/[TrabajadorMigrante.gov](http://TrabajadorMigrante.gov).

#### 5. Камситиш ва тазйиқлардан холи бўлиш

- Иш берувчингиз Сизга ёшингиз (агар 40 ёш ёки ундан катта бўлсангиз), жинсингиз, ирқингиз, миллий келиб чиқишингиз ва этник мансубиятингиз, терингиз ранги, динингиз, генетик маълумотларингиз (жумладан, оилавий касаллик тарихи) ёки ногиронлигингиз туфайли бошқача ёки салбий муносабатда бўлишга ҳақли эмас.
- Камситилиш бўйича шикоят бериш учун қуйидаги манзилга кириш: [www.eeoc.gov/how-file-charge-employment-discrimination](http://www.eeoc.gov/how-file-charge-employment-discrimination). Фуқаролик мақомингиз туфайли камситилиш бўйича шикоят юбориш учун қуйидаги манзилга кириш: [www.justice.gov/crt/filing-charge](http://www.justice.gov/crt/filing-charge).
- Ҳеч ким Сизни оғзаки, жисмоний ёки жинсий таҳқирлашга ҳақли эмас.

#### 6. Эксплуатациядан холи бўлиш

- Ҳеч кимнинг Сизни жинсий эксплуатация қилишга, жумладан Сизга жинсий тегажоглик қилиш ёки Сизни ўпиш, жинсий алоқа қилиш, оғзаки жинсий алоқа ёки бузуқлик каби ҳар қандай жинсий ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш, алдаш ёки зўрлашга ҳақли йўқ.
- Меҳнат эксплуатацияси ва одам савдоси тўғрисида кўпроқ маълумот олиш учун 12-бетга қаранг.
- Агар ҳуқуқларингиз бузилган деб ҳисобласангиз, бу ҳақда Одам савдоси бўйича Миллий ишонч телефонига 1-888-373-7888 рақами орқали (АҚШ ҳудудида) ёки ушбу рисоланинг 15 ва 16-бетларида келтирилган веб-сайтлардан бирига хабар беринг. Агар инглиз тилини билмасангиз, таржимон сўранг.





**МАСЛАҲАТ:** Иш берувчингиз, пудратчингиз ёки ишга ёлловчингиздан олинган ҳуқуқий маслаҳат ноҳолис бўлиши мумкин. Мустақил адвокатдан маслаҳат сўранг.

## **НОИММИГРАНТ МАҚОМИНГИЗГА АСОСЛАНГАН ҚЎШИМЧА ҲУҚУҚЛАР**

### **A-3, G-5, NATO-7, ва B-1 уй хизматчилари**

Иш берувчингиз Сизга АҚШ қонунчилигига мос келадиган меҳнат шартномасини бериши шарт. Шартнома қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- Сиз тушунадиган тилда бўлиши.
- Соатбай иш ҳақингизни кўрсатиши, бу АҚШдаги федерал, штат ёки маҳаллий энг кам иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичига тенг бўлиши лозим.
- Иш берувчи бепул яшаш жойи ва овқат (агар иш берувчининг уйида яшаётган бўлсангиз) ҳамда бориш-келиш авиачипталарини таъминлашини кўрсатиши.
- Иш берувчи ишни тугатишдан олдин Сизга қанча муддатда хабар бериши кераклиги ва Сиз ишдан кетмоқчи бўлсангиз, иш берувчига қанча муддатда хабар беришингиз кераклигини аниқ белгилаб қўйиши.
- АҚШ уй хизматчилари учун белгиланган бошқа имтиёзларни, масалан ҳақ тўланадиган танаффуслар, иш ҳақи сақланмайдиган касаллик таътили ва ишчи учун компенсацияни ўз ичига олиши.

**Шартномани тўлиқ тушунганингизга ишонч ҳосил қилинг ва унинг бир нусхасини олинг. Агар шартномада нима дейилганини тушунмасангиз, уни имзоламанг.**

### **A-3, G-5, ва NATO-7 уй хизматчилари учун қўшимча талаблар**

**Шартномада камида қуйидагилар бўлиши шарт:**

- Иш берувчингизнинг барча АҚШ қонунларига риоя қилиш мажбурияти.
- Сизга қанча вақтда ва қандай усулда иш ҳақи тўланиши, ишдаги вазифаларингиз, ҳафталик иш соатлари, байрам кунлари, хасталик кунлари ва меҳнат таътили ҳақидаги маълумотлар.
- Иш берувчингизнинг Сизнинг паспортингиз, меҳнат шартномангиз ёки бошқа шахсий буюмларингизни ўзида сақламаслик мажбурияти.





## H-2A вақтинчалик қишлоқ хўжалиги ишчилари визалари

Иш топиш учун ҳеч қачон тўлов тўламаслигиниз лозим. Агар кимдир Сиздан ҳақ сўраса, ўз юртингизда бўлсангиз ўша ердаги АҚШ элчихонаси ёки консулликка, АҚШда бўлсангиз эса 1-866-487-9243 рақами орқали Иш ҳақи ва иш соатлари бўлимига мурожаат қилинг.

- Иш берувчингиз ёки у билан ҳамкорлик қилаётган бирор кимса Сизни қарзга киритиш ёки қарзни тўлашга мажбурлашга ҳақли эмас. **Бундай ҳолат юз берса, АҚШда бўлсангиз 1-888-373-7888 рақами орқали Одам савдосига қарши кураш миллий ишонч телефониغا, ўз юртингизда бўлсангиз ўша ердаги АҚШ элчихонаси ёки консулликка қўнғироқ қилинг.**

Иш берувчингиз қуйидагиларни бажариши шарт:

- Сиз бажарган барча ишлар учун ойига камида икки марта, иш буюртмангиз ёки шартномангизда кўрсатилган ставка бўйича ва меҳнат шартномасига мувофиқ вақтда ҳақ тўлаши лозим. Тўлов ставкаси федерал, штат ёки маҳаллий энг кам иш ҳақидан юқори бўлиши мумкин.
- Ишга қабул қилинган жойингиздан иш жойигача бўлган транспорт харажатларини қоплаши ва йўл давомида кундалик овқатланишни таъминлаши ёки меҳнат шартномасига кўра ишлашингиз керак бўлган муддатнинг ярмини тугатганингиздан сўнг бу харажатларни қайтариши лозим.
- Агар маошингиздан харажатларингизни айиргандаги миқдор АҚШдаги энг кам иш ҳақидан кам бўлса, биринчи иш ҳафтасида иш жойига бориш ва виза харажатларини қоплаши лозим.

**Агар сиз H-2A ёки H-2B ишчиси бўлсангиз ва ҳақ-ҳуқуқларингиз ҳақида саволлар ёки хавотирларингиз бўлса, 1-866-487-9243 рақамига қўнғироқ қилинг ёки маҳаллий Иш ҳақи ва иш соатлари бўлимига ташриф буюринг: [www.dol.gov/agencies/whd/contact/local-offices](http://www.dol.gov/agencies/whd/contact/local-offices).**

## H-2A вақтинчалик қишлоқ хўжалиги ходимлари учун

Иш берувчингиз қуйидагиларни бажариши шарт:

- Сизга тушунадиган тилда ёзма меҳнат шартномаси бериши лозим. Унда маошингиз, ишнинг давомийлиги, иш соатлари, имтиёзлар (масалан, транспорт, турар жой ва овқатланиш ёки ошхона жиҳозлари) ва иш ҳақингиздан ушлаб қолинадиган маълумотлар бўлиши лозим. H-2A ишида ишлаётганингизда АҚШ Ижтимоий таъминоти ва тиббий сўғуртаси учун маошингиздан ушлаб қолинмаслиги керак.



- Сизга бепул хавфсиз ва тоза турар жой тақдим этиш.
- Сизга берилган турар жойдан иш жойигача бепул транспорт хизмати кўрсатиш.
- Лицензияли ҳайдовчилар бошқарадиган суғурталанган ва барча зарур хавфсизлик жиҳозларига эга транспорт воситаларида хавфсиз таъминлаш.
- Кунига 3 маҳал овқат ёки Сизнинг фойдаланишингиз учун қулай ва бепул бўлган овқат тайёрлаш жойини тақдим этиш.
- Ҳақ-хуқуқларингиз ҳақида маълумот берадиган ва шикоят қилишда ёрдам кўрсатадиган давлат ходимлари ёки ҳуқуқий хизмат кўрсатувчилар билан учрашишингизга тўсқинлик қилмаслик ёки жазолаш чораларини қўлламаслик.
- Меҳнат шартномасида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг, иш жойидан мамлакатингиздаги уйингизгача транспорт, турар жой ва овқат билан таъминлаш ёки уларнинг харажатларини қоплаш.
- Меҳнат шартномасида кўрсатилган иш кунларининг камида 3/4 қисми учун иш таклиф қилиш ёки таклиф қилинмаган соатлар учун ҳақ тўлаш.

## **Н-2В Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган вақтинчалик ишчилар учун**

Иш берувчингиз қуйидагиларни бажариши шарт:

- Сизга тушунарли тилда ёзма баён этилган ишга қабул қилинганлик тўғрисидаги буйруқни бериш. Унда маошингиз, ишнинг давомийлиги, иш соатлари, иш берувчи ихтиёрий равишда тақдим этадиган ҳар қандай имтиёзлар (масалан, транспорт, турар жой ва овқатланиш ёки овқат тайёрлаш имкониятлари) ва иш ҳақингиздан ушлаб қолинадиган нарсалар ҳақида батафсил маълумот бўлиши лозим.
- Агар Сиз меҳнат шартномасида кўрсатилган муддатни тугатган бўлсангиз ёки иш берувчингиз иш муддатингиз тугашидан олдин кетишингизга рухсат берса, иш жойидан мамлакатингиздаги уйингизгача бўлган транспорт, турар жой ва овқатланиш харажатларини қоплаш.

## **J-1 алмашинув дастури визалари**

- Имзоланган DS-2019 шаклида дастурингиз саналари, дастур тоифаси, ҳомийингиз номи ва алмашинув дастурингиз ўтказиладиган жой кўрсатилади. Ҳомийингиз дастурингиз давомида молиялаштириш, фаолият жойи ва дастур саналаридаги ҳар қандай ўзгаришларни акс эттириш учун DS-2019 шаклини янгилаб туриши шарт.



**МАСЛАХАТ:** Иш берувчингиз Сизга ўз вақтида маош тўлаши шарт. Америка Қўшма Штатларида ходимлар одатда ҳар икки ҳафтада бир марта маош олади, ammo Сизнинг тўлов жадвалингиз меҳнат шартномангизга кўра фарқланиши мумкин.

- Ҳомийингиз алмашинув дастурингизнинг барча харажатлари, шартлари ва қоидаларини тушунтириши лозим. Унга Сиз бажаришга розилик билдирган ишингиз ҳақидаги ёзма баёнот, қанча маош олишингиз ва қанча соат ишлашингиз тўғрисидаги маълумотлар киради. Агар Сизда соғлиқ, хавфсизлик ёки таъминот билан боғлиқ шошилиш муаммолар юзага келса, J-Visa фавқулудда алоқа рақамига мурожаат қилинг: 1-866-283-9090. Умумий саволлар ёки муаммолар бўйича [Jvisas@state.gov](mailto:Jvisas@state.gov) электрон почта манзилига хат йўлланг.
- Ҳомийингиз Сизнинг тиббий, ватанга қайтариш ва эвакуация бўйича суғуртангиз мавжудлигини таъминлаши лозим, лекин бунини ўзи тақдим этиши ёки тўлаши шарт эмас.

### Ёзги иш ва саёҳат

Агар Сиз ватандошлари АҚШга визасиз кириши мумкин бўлган мамлакатдан бўлсангиз ва АҚШга бирор тайинли ишсиз келган бўлсангиз, ҳомийингиз Америка Қўшма Штатларида бир ҳафталик иш қидирувидан сўнг иш топишингизга кўмаклашиши шарт. Шунингдек, ҳомийлар дастур давомида иш жойини ўзгартирмоқчи бўлган барча Ёзги иш ва саёҳат дастури иштирокчиларига тегишли ёрдам кўрсатишлари лозим. Ҳомийлар дастур қоидаларига мувофиқ, барча иштирокчиларнинг дастлаб ва қўшимча иш жойларини улар ишни бошлашдан олдин баҳолашлари ва тасдиқлашлари шарт.

### Амалиётчи ёки стажёр

Ҳомийингиз Сизга Тренинг/Амалиёт ўташ режасини (DS-7002 шакли) тақдим этиши керак. Бу режада Сиз оладиган ҳар қандай даромад ҳақида ёзма баёнот ва дастурнинг таълимий мақсадлари ҳақида қисқача маълумот бўлиши лозим. Сиз ҳафтасига камида 32 соат иш билан таъминланишингиз шарт.

Ҳомийингиз Сизга тўлашингиз керак бўлган харажатлар ва тўловлар ҳақида ёзма баёнот бериши ҳамда Америка Қўшма Штатларидаги яшаш харажатларини тахминан ҳисоблаб бериши шарт.

Ҳомийингиз Сизнинг тиббий, эвакуация ва ватанга қайтариш бўйича суғуртангиз мавжудлигини таъминлаши лозим, лекин бунини ўзи тақдим этиши ёки тўлаши шарт эмас.



### “Au Pair” дастури:


Қабул қилувчи оилангиз Сизни олий таълим муассасасида ўқишга ёзилиш ва дарсларга қатнашишга ёрдам бериши ҳамда ушбу дарслар учун 500 долларгача тўлов қилиши шарт. Агар Сиз “EduCare au pair” (мактабгача ва мактабдан кейин мактаб ёшидаги болалар билан ишлайдиган тарбиячи) бўлсангиз, қабул қилувчи оилангиз бу дарслар учун 1000 долларгача тўлов қилиши шарт.

Сиз кунига 10 соатдан ёки ҳафтасига 45 соатдан ортиқ ишламаслигингиз лозим. Агар Сиз “EduCare au pair” (мактабгача ва мактабдан кейин мактаб ёшидаги болалар билан ишлайдиган тарбиячи) бўлсангиз, кунига 10 соатдан ёки ҳафтасига 30 соатдан ортиқ ишламаслигингиз керак. Маҳаллий маслаҳатчингиз ҳар ой Сиз билан боғланиши ва қабул қилувчи оилангиз билан мунтазам алоқада бўлиши шарт.

### СИЗНИНГ НОИММИГРАНТ ВИЗАНГИЗ

Ноиммигрант виза – бу АҚШ ҳукуматининг ҳужжати бўлиб, у одамларга Америка Қўшма Штатларига ишлаш, ўқиш ёки маданий алмашинув дастурига қўшилиш каби маълум мақсадлар учун келиш имконини беради. **Сиз чет элдаги АҚШ элчихонаси ёки консуллигига виза олиш учун мурожаат қилишингиз лозим** (Эслатма: Канада фуқаролари чегара пунктида J-1 мақомида кириш учун мурожаат қилишади). Виза олгач, Сиз Америка Қўшма Штатларига саёҳат қилишингиз ва уни АҚШ чегара назорати ходимига (“СВР – АҚШ божхона ва чегара назорати ходими”) кўрсатиб киришингиз мумкин. Агар визангиз муддати тугаса, АҚШга қайтишдан олдин янги виза олишингиз керак. Виза олиш жараёни ва АҚШ визаси ҳақида батафсил маълумот мана бу ерда: [usvisas.state.gov](https://usvisas.state.gov).

АҚШ божхона ва чегара назорати ходими (CBP officer) Сизни Америка Қўшма Штатларига киритганда, электрон тарзда I-94 шакли яратилади (баъзида бу қоғоз шаклида бўлиши ҳам мумкин). I-94 шаклида мамлакатга кириш санаси, виза тури ва Америка Қўшма Штатларини тарк этишингиз керак бўлган сана кўрсатилади. АҚШда қонуний қолиш учун “рухсат берилган муддатгача” санасидан олдин Қўшма Штатларни тарк этишингиз керак, акс ҳолда АҚШ Фуқаролик ва иммиграция хизмати (USCIS) қолиш муддатини узайтириш учун ариза беришингиз лозим. **I-94 шакли бўйича ўзингизга боғлиқ маълумотни мана бу ерда текширишингиз мумкин:** <https://i94.cbp.dhs.gov>.



## ОДАМ САВДОСИ

Одам савдоси оғир жиноят ҳисобланиб, унда одамлар зўравонлик, алдов ёки мажбурлаш орқали бошқа шахсни меҳнат қилишга, хизмат кўрсатишга ёки тижорат мақсадида жинсий алоқага жалб қилишга мажбурлайдилар. 18 ёшга тўлмаган шахс тижорат мақсадида жинсий алоқага жалб қилинган бўлса, ҳатто зўравонлик, алдов ёки мажбурлаш ишлатилмаган тақдирда ҳам, бу одам савдоси деб ҳисобланади. Тижорат мақсадидаги жинсий алоқа деганда жинсий алоқа эвазига бирор қийматга эга нарса (уй-жой, химоя, озиқ-овқат, пул каби) алмаштирилиши тушунилади.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий ишонч телефони зарур хизматлар ва турган жойингизда ёрдам олишингиз учун йўналтириши мумкин. Агар Сиз ёки танишингиз қуйидаги ҳолатлардан бирини ёки бир нечасини бошдан кечираётган бўлсангиз, 1-888-373-7888 рақами орқали Одам савдоси бўйича миллий ишонч телефонига мурожаат қилинг:**

### Таҳдид остида бўлиш ёки қўрқиш

- Ҳеч ким таҳдид, қўрқув ва бошқа турдаги қўрқитиш усулларида фойдаланиб, Сизни ёки бошқаларни кетишга уринишдан қўрқитиб қуйишга ҳақли эмас. Бунга қуйидагилар мисол бўлади:
- Сизни ёки бошқаларни уриш, жисмоний шикаст етказиш ёки жинсий зўравонлик қилиш;
- Сизга ёки бошқаларга зарар етказиш, зўравонлик ёки жинсий тажовуз қилиш билан таҳдид этиш;
- Сизнинг иш жойингиз ёки турар жойингиздан чиқиб кетишингизга тўсқинлик қилиш;
- Сиз ёки Сизга ғамхўрлик қиладиган киши учун бирор сабабга кўра доридармонлардан фойдаланишингизни тақиқлаш ёки тўхтатиш;

- Агар Сиз ноҳақ муносабат бўйича шикоят қилсангиз, вазият ҳақида хабар берсангиз ёки ёрдам сўрасангиз, Сиз ёки оилангизни жароҳатлаш, депортация ёки қамоққа олиш билан таҳдид қилиш;
- Кетишга, шикоят қилишга, вазият ҳақида хабар беришга ёки ёрдам сўрашга уринган бошқаларга зарар етказиш; ёки
- Одамларни АҚШда қайта ишлаш олмасликлари учун қора рўйхатга киритиш билан таҳдид қилиш.

#### Қарзни тўлаш учун бирор нарса қилишга мажбур бўлиш

Ҳеч ким Сизни меҳнат, хизмат ёки тижорат мақсадида жинсий алоқа қилишга ёки давом эттиришга мажбурлай олмайди, ёки Сизни кетишдан тўхтатишга ҳақли эмас. Ҳеч ким қарзингизни тўлашни қийинлаштириш ёки қарз тўланмагунча ишлашда давом этишим шарт деб уйлашингиз учун қарзингизни тўсатдан ўзгартира олмайди.

Бунга мисоллар:

- Катта миқдордаги қарзингиз борлиги ва уни маълум бир муддатда тўлаш қийинлигини айтиш;
- Сиз келишганингиздан кўра кўпроқ қарздор эканлигингиз ёки илгари келишмаган нарсалар учун қарзингиз борлигини даъво қилиш;
- Транспорт, турар жой, озиқ-овқат ва олдиндан келишилмаган бошқа харажатларни кўшиш;
- Қоидаларни бузганлик, етарлича даромад қилмаганлик ёки етарлича меҳнат, хизмат ёки тижорат мақсадидаги жинсий алоқа қилмаганлик учун тўловлар, жарималар ёки жарима санкцияларини қўшиш.

**МАСЛАҲАТ:** Иш берувчингиз Сизга нисбатан қилган ҳар қандай номақбул изоҳ ва/ёки ҳаракатларни батафсил қайд этиб боринг ҳамда ҳар қандай гувоҳларнинг исмлари ва телефон рақамларини ёзиб қўйинг.

**Ҳеч ким Сизни ёки бошқаларни кетишдан, гапиришдан ёки ёрдам олишдан тўхтатишга ҳақли эмас. Масалан, иш жойини тарк эта олмаслигингизни айтиш ёки ишламаётган вақтингизда қаерга боришингизни чеклаш.**

- Сиз ҳар доим ўз паспортингиз, визангиз, туғилганлик гувоҳномангиз ёки шахсингизни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга эга бўлишингиз лозим. Буларни ҳеч ким Сиздан олиб қўймаслиги керак;
- Керакли вақтда етарлича овқатланишингиз, дам олишингиз, ухлашингиз ёки тиббий ёрдам олишингиз лозим. Ҳеч ким буларни чекламаслиги керак; ва
- Оилангиз, ҳамкасбларингиз, мижозлар ёки бошқа керакли шахслар, масалан, ҳуқуқий ёки ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар билан суҳбатлаша олишингиз лозим. Ҳеч ким Сизни эркин мулоқот қилишдан тўхтатмаслиги ёки гапларингизни назорат қилмаслиги керак.

## Алданиб қолиш

Ҳеч ким Сизни алдаб ёки ҳийла ишлатиб, ишлашга ёки тижорат мақсадида жинсий хизматлар кўрсатишга мажбурлашга ҳақли эмас.

Алдов ва ҳийлаларга мисоллар:

- Иш тури, иш вақти, меҳнат шароитлари, яшаш шароитлари ёки иш ҳақи ҳақида ёлғон ваъдалар бериш;
- Сизни ваъда қилинганидан кўра узоқроқ вақт, ёмонроқ шароитларда ёки камроқ ҳақ эвазига ишлашга мажбурлаш;
- Сизнинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқингиз йўқлигини айтиш;
- Агар кетмоқчи бўлсангиз ёки ёрдам сўрасангиз, Сизга ҳеч ким ишонмаслиги ёки мамлакатдан чиқариб юборилишингизни айтиш; ёки
- Иш берувчингиз ёки бошқа ишчилар ҳақида ёлғон гапиришингиз кераклигини айтиш.
- Ёлғон ваъдаларга мисоллар: малакали ҳамшира бўлиб ишлайсиз деб, аслида қариялар уйини тозалашга мажбурлаш; ёки энага бўласиз деб, амалда экзотик рақслар ёки тижорат мақсадидаги жинсий хизматларни бажаришга мажбурлаш.

## Зўравонлик ҳақида хабар берсангиз, иш берувчингиз Сизни мамлакатдан чиқариб юборишга ҳақлими?

Зўравонлик ёки шафқатсиз муносабат ҳақида хабар берган одамларни ҳимоя қилувчи дастурлар мавжуд. Бу дастурлар Сизга иш берувчингизни тарк этсангиз ҳам АҚШда қолиш имконини бериши мумкин. Иммиграция муаммоларингиз бўлса ҳам, ёрдам сўрашдан қўрқманг. **Қандай имкониятларингиз борлигини тушуниш учун Одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий ишонч телефониغا 1-888-373-7888 рақами орқали кўнгироқ қилинг.** Бу ишонч телефонини ҳукумат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бошқармайди.



**МАСЛАҲАТ:** Америка Қўшма Штатларига келганингиздан сўнг, паспортингиз ва бошқа сафар ҳужжатларингизни ҳар доим олса бўладиган хавфсиз жойда сақланг. Иш берувчингизнинг паспортингизни олиб қўйиши қонунга хилоф ҳисобланади.

## БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ УЧУН:

Визага ариза топириш жараёни ва Сизнинг АҚШ визангиз: [usvisas.state.gov](http://usvisas.state.gov).

- Одам савдоси: [www.state.gov/j/tip](http://www.state.gov/j/tip).
- J-1 виза Меҳмонлар алмашинуви дастури: [j1visa.state.gov](http://j1visa.state.gov).
- Тенглик ва иш жойингизда ирқингиз, рангингиз, динингиз, жинсингиз (жумладан, ҳомиладорлик), миллий келиб чиқшингиз, ёшингиз (40 ёки ундан катта), ногиронлигингиз ёки генетик маълумотларингиз туфайли камситишдан холи бўлиш ва камситилиш ҳолатини ўрганиш бўйича илтимоснома киритишга оид ҳуқуқларингиз: [www.eeoc.gov](http://www.eeoc.gov).
- Иш жойингиздаги хавфсизликка оид ҳуқуқларингиз ёки ишингизни хавфли деб ҳисобласангиз ва текширув талаб қилмоқчи бўлсангиз: [www.osha.gov](http://www.osha.gov).
- Иш берувчидан Сизнинг номингиздан ҳали тўланмаган иш ҳақи чегириб олинганини қандай билиш мумкин: [webapps.dol.gov/wow](http://webapps.dol.gov/wow).
- Адолатли ҳақ олишга оид ҳуқуқларингиз: [www.dol.gov/WHD/immigration](http://www.dol.gov/WHD/immigration).
- Иш ҳақи бўйича шикоят қилиш тартиби: <https://www.dol.gov/agencies/whd/contact/complaints>
- Фуқаролик мақомингиз туфайли камситилишга дуч келмаслик ва камситилиш ҳолати юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқингиз: [www.justice.gov/crt/filing-charge](http://www.justice.gov/crt/filing-charge).
- Иш ҳақингиз ёки меҳнат шароитингизни яхшилаш учун бошқа ишчилар билан бирлашиш ҳуқуқингиз, шу жумладан қонунбузарлик бўйича тегишли ҳужжат топшириш жараёни: [www.nlr.gov](http://www.nlr.gov).
- Тиббий суғурта бўйича ҳуқуқларингиз, мажбуриятларингиз ва имтиёзларингиз: [localhelp.healthcare.gov](http://localhelp.healthcare.gov) (инглизча) ва [ayudalocal.cuidadodesalud.gov](http://ayudalocal.cuidadodesalud.gov) (испанча).
- Агар жиноят қурбони бўлсангиз, бу борадаги ҳуқуқларингиз. Жиноят қурбонлари ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун: <https://www.justice.gov/criminal/criminal-vns/victim-rightsderechos-de-las-v-ctimas>
- I-94: <https://i94.cbp.dhs.gov/I94>
- Бўлажак иш берувчидан петиция ҳолати, USCIS иши бўйича ҳолатни онлайн текшириш: <https://egov.uscis.gov>
- Одам савдоси бўйича USCIS ресурслари:
- <https://www.dhs.gov/blue-campaign/resources-availablevictims>
- <https://www.uscis.gov/humanitarian/victims-of-humantrafficking-and-other-crimes>



• Т ва U ноиммигрант мақомидаги ишчилар учун иммиграция имтиёзларини тақдим этувчи дастурлар:

<https://www.uscis.gov/humanitarian/victims-of-humantrafficking-and-other-crimes>

• Қочоқлар учун имтиёзлар бўйича ва одам савдоси билан боғлиқ муаммолар бўлса, Одам савдоси бўйича бюрога мурожаат қилинг:

<https://www.acf.hhs.gov/otip/victimassistance/childeligibility-letters>

<https://www.acf.hhs.gov/otip/victim-assistancecertification>

Мигрант ишчилар учун умумий саволлар ва манбалар бўйича маълумот (8 тилда, жумладан, инглиз, испан, араб, хитой, гаити креол, португал, вьетнам ва тагалог тилларида мавжуд):

**MigrantWorker.gov** ёки  
**TrabajadorMigrante.gov**



**МАСЛАҲАТ:** Ишлаган вақтингизни ёзма равишда қайд этиб бориш жуда фойдали. Бир дафтар олиб, ишлаган кунларингиз ва соатларни, қанча маош олганингиз, санаси, иш ҳақингиздан ушлаб қолинган сумма ва бу ушлаб қолишларнинг сабабларини ёзиб бориш.

## ҲАФТАЛИК ИШ ҚАЙДНОМАСИ (НАМУНА)


Иш берувчи:		Раҳбар:	
Сана:	Фаолият:	Соатлар	Тўлов:
		_____	
		_____	
		_____	

Иш берувчи:		Раҳбар:	
Сана:	Фаолият:		Тўлов:
		К: _____	
		Ч: _____	
		Ум: _____	

Иш берувчи:		Раҳбар:	
Сана:	Фаолият:	Соатлар	Тўлов:
		К: _____	
		Ч: _____	
		Ум: _____	



# THE UNITED STATES *of* AMERICA



Ушбу рисола ва унга илова қилинган видеонинг  
онлайн версиясини кўрмоқчи бўлсангиз,  
смартфонингиз камерасидан фойдаланиб,  
қуйидаги QR-кодни сканерланг ва экранда  
пайдо бўлган ҳаволани очинг:



## U.S. DEPARTMENT *of* STATE

Ушбу рисола 2008 йилдаги Одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш ва қайта тақсимлаш тўғрисидаги Уильям Уилберфорс қонунининг 202-моддасига мувофиқ тайёрланган бўлиб, у 110-457-сонли оммавий қонун сифатида қабул қилинган.